
ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Юқори МФЙ Зиёратгоҳ кўчаси 26-уйда истиқомат қилувчи Ҳуршидахон Юсупова 4 йилдан буён хонадонида пишириқ пишириш билан шуғулланади.

Маҳсулотга талаб ортгани учун кредит асосида катта ҳажмдаги микротўлқинли печь олиб, ҳозирда фаолиятини анча кенгайтирган. Бугунги кунда халқимиз дастурхонларига ёғли қатлама патирлар етказиб беришни ҳам йўлга қўйган.

Ҳозирда тайёр маҳсулотларни маҳалладаги дўконлар ҳамда бозордаги тадбиркорларга етказиб бермоқда. Битта қатлама патирнинг бозордаги нархи 5 минг сўмни ташкил этади. Бир кунда 50 дан ортиқ қатлама патир пишириб, бозорларга етказиб берилади. Бу орқали Ҳуршиданинг кунлик даромади 250-300 минг сўмни ташкил этади. Албатта бу ҳам ўз ўрнида оила учун катта даромад манбаи.

Маҳсулотга талаб ортиб бораётгани учун Ҳуршида опа келгусида иш фаолиятини янада кенгайтиришни режа қилган. Излаган имкон топади, деганлари шу бўлса керак-да!

2023-03-24 14:11:14